



10.01.2022 даги

"HUDUDGAZTA'MINOT" АЖ ва Олот туман касб хунар мактаби ўртасида 6999300,00 сўм умумий суммага  
тузилган 01 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий газна хисобварак

079

100010860062047092901079001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)		Жами
	4222000		
Январь	2 799 720,00		2 799 720,00
Февраль	2 799 720,00		2 799 720,00
Март	1 399 860,00		1 399 860,00
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
<b>Жами ийл бўйича</b>	<b>6 999 300,00</b>		<b>6 999 300,00</b>

Жами 6999300,00 сўм

Олти миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг уч юз сўм 00 тийин  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_ % \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойда тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\* ) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100 % жорий ойнинг 31 санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Алтиев Фарход Мехмонович

Ф.И.Ш.

(имзо)

Олимов Анвар Баходирович

Ф.И.Ш.

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

# Табии газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб беришнинг

01 -сонли ШАРТНОМАСИ

«70» 01 2022 йил

Олот шахри  
(Шартнома тузилган жой)

Низома сосида фаолият юритувчи Олот туман маддукори маҳаласи

(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади), раҳбари 9. Алиев бир томондан  
хамда Низом ва 2022 йил «10» 01 да берилган 01 сонли ишончнома  
асосида фаолият юритувчи «„Навбатдеконимот“ ГМСОЛ» (газ таъминоти  
ташкilotи номи) (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб аталади), раҳбари  
М. Жалилов иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур  
шартномани туздилар:

«Олот туман маддукори маҳаласи (куйидаги юритувчи субъект номи) (бундан бўён «Истеъмолчи» деб  
юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари 9. Алиев бир томондан ва  
„Навбатдеконимот“ (газ етказиб берувчи корхонанинг номи) (бундан бўён «Таъминотчи» деб юритилади) номидан  
Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари М. Жалилов иккинчи томондан Ушбу шартномани куйидагилар  
ҳакида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табии газ  
(кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу  
шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган  
нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун  
стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ курилмалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда  
ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табии газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига)  
асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни  
такдим этади.

Истеъмолчи жорий йил 15 июль кунига кадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин килинаётган газ ҳажми  
бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим  
ва ҳажмда 2022 йилда 10605 куб.м, нархи 6999300 минг сўмни ташкил қиласи, жумладан чораклар ва ойлар  
бўйича куйидагича тақсимланади:

I квартал 10605 куб. м, январь 4242, февраль 4242, март 2121.

II квартал — куб. м, апрель —, май —, июнь —.

III квартал — куб. м, июль —, август —, сентябрь —.

IV квартал — куб. м, октябрь —, ноябрь —, декабрь —.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармокларининг  
ишлишидан издан чиқкан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон  
карорида кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 2022-йилда зарур бўлган табии газнинг  
минимал ҳажми 660 минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагини ташкил қиласи:

I квартал 10605 тыс. куб. м, январь 4242, февраль 4242, март 2121.

II квартал — тыс. куб. м, апрель —, май —, июнь —.

III квартал — тыс. куб. м, июль —, август —, сентябрь —.

IV квартал — тыс. куб. м, октябрь —, ноябрь —, декабрь —.

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун  
ажратилган табии газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табии газ ҳажмлари бўйича табии газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома  
ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкilotiga бу ҳакида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда,  
бундай холатлар ортиқча олинган миқдор деб ҳисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу Шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда етказиб берилади.

2.2. Етказиб берувчи Истеъмолчига 1.4-бандда кўрсатилган ҳажмда газ етказиб беради.

2.3. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.3 ва 1.4-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг  
суткалик меъёри доирасида газ қабул килиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш  
далолатномасини имзолайди.

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги  
тўғрисида барча усууллар орқали билан хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

104

Истеъмолчи манзили ва телефон раками:

65-84-21-2-2-33

2.5. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кискартирилишига кадар камида 24 соат аввал бу ҳакида хабардор килиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор килингандан кейин газ етказиб бериш дархол кискартирилади.

2.6. Магистрал ва таксимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилган тақдирда, Етказиб берувчи газ етказиб беришни чеклаши мумкин, Истеъмолчи эса захира ёкилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-кабул килиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашини таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истеъмолчи захира ёкилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табии газдан фойдаланиш коидаларига мувофик захира ёкилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.10. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция килиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция килишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармокларига уланиш Табии газдан фойдаланиш коидаларига мувофик амалга оширилади.

2.11. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор килиши шарт.

2.12. Табии газни казиб олиш, кайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истеъмол килиш режими нинг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табии газ ишлаб чиқарувчи «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоклари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари бўйича аникланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

Етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб газ ҳажмини стандарт шартларига кўра (ДСТ 5542-87 ва ДСТ 2939-63 1.1-бандига асосан) куб метрга, яъни  $T = 20^{\circ}\text{C}$ ,  $P = 760 \text{ mm}$  симоб устунига келтирилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан газни тижорий ҳисобга олиш учун мўлжалланган торайтирувчи қурилмага эга ўлчов комплекси фойдаланилган тақдирда, Етказиб берувчи ва Бюро билан ҳамкорликда газни ёзги ва кишки мавсумларда истеъмол килиш ҳажмидан келиб чиқиб, торайтирувчи ускуналарни ўз вактида алмаштириш ва ўлчов комплекси ишини «Ўзстандарт» агентлиги талабларига мувофиқлаштириш таъминланиши лозим.

3.3. Газни сарфланишини ҳисоблашда куйидаги кўрсаткичлар инобатга олинади:

а) манометрлар ва термометрлар созлиги, уларнинг давлат текширувни амал килиш муддати;

б) ГТШни юргизиши (тартибга солиш) муддати, шунингдек ҳакиқий ишчи босимнинг ГТШни тартибга солиш далолатномасида кайд этилган кўрсаткичларга мувофиқлиги.

Кайд этилган кўрсаткичларга риоя этилмаганда  $P_{\text{ортинча}} = 1,0 \text{ kgc/cm}^2$  коэффициенти кўлланади

Етказиб берувчи Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришларни 12 соатдан кечиқтирасдан киритиши керак. Газ таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вактида ва ҳакконий киритилиши учун жавобгарлик Истеъмолчи зиммасида бўлади.

3.4. Газ сарфини ҳисоблаш прибори ҳажмини ўлчаш диапазони ўрнатилган газдан фойдаланиш ускуналари қувватига мувофик бўлиши лозим. Агар табии газ ҳисобга олиш қурилмаларининг техник тавсифида кўрсатилган ҳажмдан кам сарфланса, газ ҳажми ва сарфини ҳисобга олиш техник тавсифи??нг пастки чегараси бўйча қабул килинади. Бунда Иsteъmolчи 15 кун мобайнида газ ҳажми бўйича унинг газ ускунасига тўғри келадиган бошка газни ҳисоблаш приборини ўрнатишни ўз зиммасига олади.

Газни ҳисоблаш приборининг хатолиги приборнинг паспортида кўрсатилган хатолик чегарасига мос келиши лозим, бундай ҳолатларда газ сарфини ҳисобга олиш тизими ўзаро ҳисоб-китоблар учун ярокли ҳисобланади

Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аникланганда, Етказиб берувчи «Ўзстандарт» агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказиши талаб килиш хуқукига эга

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Иsteъmolчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

3.6. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисоблаш приборисиз ёки уни четлаб ўтган ҳолда истеъмол килиш;

б) газни хисоблаш приборини давлат киёсловидан ўтказиш муддати тугаганда, бунда тегишили хисоб-китоб киёслов муддати тугаган вақтдан бошлаб у ўтказилгандан кейин газни хисоблаш приборини ўрнатиш вақтигача бўлган даврда;

в) носозлик, тамға бутлиги бузилиши, хисоблаш прибори ўзбошимчалик билан ечиб олингандиги аникланган ҳолатларда;

г) газ кувурлари ёки ГТШларда, газни таксимлаш тармокларини технологик иш режимини бузадиган курилмаларни ўрнатиши.

3.7. Хисоблаш прибори ишдан чикканида истеъмолчига етказилган газ ҳажми тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг энг юкори кувват билан ишлаб туришига нисбатан аникланади, бирок, мазкур шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида белгиланган талабларга риоя этилган тақдирда, бир чоракдан ортиқ бўлмаган муддатга кўлланади.

Хисоблаш прибори ишдан чикканида, Истеъмолчи 24 соатдан кечиктирилмасдан бу ҳакида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, корхонани ва газдан фойдаланувчи ускуна иш жадвалини тузиши ва ишдан чиккан газдан фойдаланувчи ускунани тамғалаб кўйиши шарт.

3.8. Хисоблаш приборларини ўрнатиш, фойдаланиш ва текшириш амалдаги меъёрлар ва қоидаларга асосан ўтказилади.

3.9. Табиий газни хисоблаш учун факат Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситалари Давлат реестрига киритилган турдаги приборлардан фойдаланиш шарт.

3.10. Приборлар уларнинг фойдаланиш учун ярокли эканлигини тасдикловчи хужжат, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган жойларда тегишили шаклдаги амал қилувчи белгилар ва тамғаларга эга бўлиши шарт.

3.11. Хисоблаш приборларининг техник ҳолати, таъмирланиши ва ўз вақтида давлат киёсловидан ўтказилиши учун жавобгарлик хисоблаш прибори эгаси зиммасига юклатилади.

3.12. Хисоблаш приборларини киёслови Давлат метрология хизмати органлари томонидан «Метрология тўғрисида»ѓи Ўзбекистон Республикаси конунига мувофиқ амалга оширилади.

3.13. Хисоблаш приборларини киёслов даврийлиги меъёрий-техник хужжатлар асосида белгиланади.

3.14. Хисоблаш приборига тамға ўрнатиш Бюронинг масъул ходимлари томонидан Етказиб берувчи вакиллари билан бирга далолатнома тузган ҳолда ҳамда Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.15. Хисоблаш приборларининг, шу жумладан ўрнатилган тамғаларнинг сакланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик Истеъмолчига юклатилади.

3.16. Хисоблаш прибори ўрнатилгандан кейин, Етказиб берувчи томонидан рўйхатга олинади.

3.17. Хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи ва Бюро вакиллари томонидан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.18. Хисоблаш приборини алмаштириш учун ечиб олиш Истеъмолчининг аризаси асосида Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходими иштирокида амалга оширилади.

3.19. Хисоблаш приборини текширув муддати тугаганлиги сабабли ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходимининг иштирокида текширув муддати тугашидан камида бир кун аввал амалга оширилади.

3.20. Хисоблаш приборини созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро талаби билан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.21. Мазкур шартноманинг 3.17-бандида кайд этилган ҳолатларда ечиб олинган хисоблаш приборини ўрнатиш учун Истеъмолчи сертификатда кўрсатилган кундан бошлаб иккى кун ичидаги буюртма бериши лозим.

3.22. Ушбу шартноманинг 3.17-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган хисоблаш приборини ўрнатиш Истеъмолчининг буюртмасига кўра иккى кун ичидаги Етказиб берувчининг вакиллари томонидан амалга оширилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан бирга тамғаланади.

3.23. Ушбу шартноманинг 3.20-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган хисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, мониторинг тугаганидан сўнг кечиктирилсан, дархол Етказиб берувчининг вакиллари томонидан ўрнатилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан биргаликда тамғаланади.

Хисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги аникланган тақдирда, мулкдор номувофиқларни бартараф этишини таъминлаши шарт, шундан сўнг 3.21 ва 3.22 — бандларга мувофиқ ўрнатиш амалга оширилади.

3.24. Хисоблаш приборини мониторинг килиш ёки текширув натижаларидан норози бўлган Истеъмолчи, белгиланган тартибда юкори турувчи орган ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

3.25. Шартноманинг ҳар иккى томони белгиланган конунчиликка мувофиқ, Бюронинг ваколатли ходимига сутканинг исталган вақтида хисоблаш приборларини монеликсиз кўздан кечириш учун кириш имкониятини таъминлаши шарт.

3.26. Бюро ходимини хисоблаш приборларига кўймаслик ҳолати далолатнома билан расмийлаштирилади. Истеъмолчи мазкур далолатнома билан танишиши лозим. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган ҳолатда, далолатномада бу ҳакда кайд этилади. Рад этиш ҳолати иккى гувоҳ ёки фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органи вакили томонидан тасдикланиши керак. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этиш сабабини баён қилиш хуқукига эга, бу ҳакида далолатномага қайд этилади.

Далолатномага имзо қўйишни рад этиш Истеъмолчини газ тармоғидан узиб қўйиш учун асос бўлади ва бу ҳакида огохлантирилиши шарт.

#### IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиликка мувофиқ белгиланади. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳакида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган микдор деб ҳисобланмайди.

- 4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 30 фоиз суммасини олдиндан тўлади;
- 4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.
- 4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).
- 4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига кадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.
- 4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.
- 4.8. Табиий газдан фойдаланишида истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишида ҳисобга олинади.
- 4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ кийматига нисбатан 2 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.
- 4.10. Табиий газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор килган ҳолда, тўлов муддати ўтган қарзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.
- 4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.
- 4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Бюро вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзib олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилинши ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мъёрлар бўйича ҳисоб-китоб киладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзib олинган кўрсаткичлар биллинг тизимиға киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларига киритиш орқали аникланади.
- 4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич очиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига кадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.
- 4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоблаш ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисбот даврида Газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси Истеъмолчидаги тақдимага техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:
- а) автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
  - б) Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган, Истеъмолчи газ тармоклари ва ГТШдаги технологик йўқотишларнинг ҳисобланган ҳажми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган далолатнома.
- 4.15. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига кадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.
- 4.16. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул килиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.
- 4.17. Табиий газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод килмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ микдорини аниклашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум килиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Бюро вакилига тақдим килади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгилангандан тартибда кўриб чиқилиши керак.
- 4.18. Истеъмолчидан дебитор карзларни ундириш Бюро тузилмаси томонидан конунда белгилангандан тартибда амалга оширилади.
- 4.19. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан кайта улангандан, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг киймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги тўлик кувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аникланади.
- 4.20. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор килади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида колади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгилангандан тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

## V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

- 5.1. Газдан фойдаланишида Истеъмолчи томонидан 3.6-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Бюронинг Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва уч нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.
- 5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофик Истеъмолчидан, Етказиб берувчи ёки Бюро вакилининг сўнгги кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.
- 5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгилангандан жавобгарликдан озод килмайди.

## **VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚҮЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ**

6.1. Истеъмолчи газ тармоқларидан куйидаги ҳолатларда узиб қўйилади:

шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;

фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро қўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакиллари ҳисоблаш приборларидан қўрсаткични олишга қўйилмаганда;

ҳисоблаш приборларига касдан зарар етказилганда, прибор қўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

газни талон-тарож килиш, газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошқа газдан фойдаланиш коидаларини бузиш ҳолатлари аникланганда.

6.2. Тармоқка қайта уланишда Истеъмолчидан энг кам иш ҳақининг ўн баравари микдорида ҳак ундирилади.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизимларига уланган газ тармоқларига истеъмолчиларни масоғадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

## **VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7.1. Етказиб берувчи куйидагиларга мажбур:

ўзига карашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниклаш учун даврий қўздан кечириш; табиий газ етказиб бериш қискарсан ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида истеъмолчиларни хабардор килиш;

табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилингандиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилингандиги тўғрисида Бюро ва бошқа ҳукукни муҳофаза қилиш органларини хабардор килиш;

Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газ етказиб бериш; истеъмолчиларга йўрикномалар бериш ва хонада ўрнатилган газ приборларидан хавфсиз фойдаланиш масалалари бўйича эслатмани топшириш;

Бюро ва ваколатли давлат органларининг мажбурий қўрсатмаларини бажариш;

Истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати қўрсатиш;

истеъмолчиларни техник хизмат қўрсатиш (тафтиш ўтказиш) саналари ҳакида тураг жойлар йўлакларида эълонлар ёки бошқа мавжуд усууллар орқали камида уч сутка аввал огохлантириш; газдан фойдаланиш ускуналарини истеъмолчиларнинг ёзма ёки электрон буюртмалари асосида нархларни тартибга солиш органи томонидан тасдикланган тарифлар бўйича қуйидаги муддатларда таъмирлаш:

табиий газ сизиб чиқишида — дархол;

овкат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида; исисик сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташкари вактда) — икки кун давомида;

газдан фойдаланиш ускуналарини алмаштиришда — беш кун давомида.

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи куйидаги ҳукукларга эга:

техник заруратга кўра, истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қискартириш ёки тўхтатиш;

газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аникланганда уларни газ тармоғидан узиб қўйиш;

Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш коидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб килиш;

табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор килиш;

газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиқтириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантиримасдан ҳамда зудлик билан хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

ушбу шартноманинг 3.6-бандида назарда тутилган ҳолатларда, аникланган қоидабузарликлар бартараф этилгунинга кадар аввалдан огохлантирган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

7.3. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

газдан оқилона ва самарали фойдаланиш;

газ ҳўжалиги газ кувурлари ва ускуналарини техник жихатдан соз ҳолатда саклаш;

газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;

ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниклаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равиша қўздан кечириб чиқиш;

газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

Бюро ва газ таъминоти ташкилоти вакилларининг (тегишли гувоҳнома қўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол килишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вактида эркин қўздан кечиришини таъминлаш;

газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

табий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинлик килувчи ҳаракатларни амалга ошираслик, уларнинг касддан бузилишига йўл қўйаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунилигини таъминлаш;

табий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор килиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан куйидагиларни талаб килиш хукукига эга:

етказиб берилган табий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, газ етказиб берувчининг табий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

табий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив хужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя килган ҳолда узатилиши;

табий газни етказиб бериш шартномаси бекор килинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани кайтариш;

табий газни етказиб бериш шартномасини конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор килиш;

газ етказиб беришни вактинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик хужжатларида белгиланган бошқа хукукларга эга бўлиши мумкин.

### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган аник зарар ва бой берилган фойдасини белгиланган тартибда қоплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун куйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш холати аниқланганда;

б) захира ёкилғига ўтиш талаблари бажарилмаганда;

в) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

г) конун хужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан энг кам иш ҳакининг ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал ва газ тармоқларида авария ҳолатлари;

в) киши даврида вактинча газ етказиб беришни чеклаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон ва 2008 йил

57-сон

ва

2008

йил

24 декабрдаги 277-сон карорлари, шунингдек, Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари карорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) кабул килинган шартнома мажбуриятларининг Истеъмолчи томонидан бажарилмаслиги.

8.4. Етказиб берилган табий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатлар талабларига мос келмаганди, Истеъмолчи газ кабул килиш ёки унинг учун ҳак тўлашни рад этганда Етказиб берувчи етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб килиш хукукига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб килиш хукукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирор етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вактида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

### IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда судга мурожаат килишга ҳаклидир.

9.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

### X. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Томонлар:

а) табий оғатлар;

бомагистрал газ кувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чикариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганды жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тұхтатиши, кискартириш ёки кабул килиш ҳуқуқига эга.

10.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар хар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

10.3. Агар, күрсатилған ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнида сақланиб тұрса, томонлар музокаралар иули билан шартномани келгусида бажариш тұғрисидаги қарор кабул киладилар.

## XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

11.1. Ушбу шартномага ўзgartириш ва құшимчалар ёзма равища расмийлаштирилиши хамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

11.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон қарорига асосан Газначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

11.3. Шартнома 1 (бир) йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзgartириш ҳакида мурожаат килмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилик учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 2022 йилгача белгиланади). Шартнома янги муддатга узайтирилганда, уларнинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзgartирилиши мумкин.

11.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича дъяволари дъяво кабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади. Томонлар ўргасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги Иктисодий суд томонидан ҳал қилинади.

## XII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

12.1. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ёки шартнома коидалари жиддий бузилган тақдирда, бир томонлама тартибда ёхуд суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

12.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, ҳар иккала нусха бир хил юридик қучга эга.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

### «Корхона»

Худудгаз Олот туман филиали

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Олот туман Файзобод МФЙ

Тел./факс 03653421876

(х/в ёки ш/ф): 12634000905113960319


Банк номи: Ўзбекистон қарзий банкнинг  
Босни

МФО: 00475

СТИР: 306605769

ИФУТ 90214

Рахбар



Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): И.Ю.Д.С.  
Гувахнома (диплом) № ва берилгап санаси: \_\_\_\_\_

### «Истеъмолчи»

Олот ҳудуди қарзий-зурниш майданы  
(буортмачи номи)

Манзил: Олот ҳудуди Ҷасони бойи 119-б

Тел./факс 61-34-21-219

ш/ф 100010860067047092901079001

Ташкилотнинг СТИРи 203357323

ИФУТ 85-320

Газначилик бўлинмасининг номи

Олот ҳудуди ҳизобкорасиат Ҳисобхона  
ЯФХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО:00014 Газначилик бўлинмасининг

СТИР: 203357323

Буортмачи раҳбари

8. Абдуллаев  
(лавозими) (Ф.И.О.)  
  
(имзо)  
М.Ю.

Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): \_\_\_\_\_

Гувахнома (диплом) № ва берилгап санаси: \_\_\_\_\_

20<sup>22</sup> йил «10» 01 даги 01-сон шартномага  
ИЛОВА

Фойдаланишга қабул килинган газда ишлайдиган қурилмалар газоиспользующего оборудования,  
**РҮЙХАТИ**

## Етказиб берувчи



**Келишилди:**

#### Истерьмолчи

